

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 3-may, shanba № 34 (15776)

ИЗЛАНИШ ВА МАСЪУЛИЯТ САМАРАСИ

«Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари ривожини йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор соҳа вакилларининг ижтимоий масъулиятини теран ҳис этиши ва касб маҳоратини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Туркистон» саройида 2 май куни журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, фахрий журналистлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулумов ва бошқалар оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига айлантириш, журналистларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур имконият ва шароитларни яратиш Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда устувор ўрин эгаллашини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий журналистика равнақида ҳам янги босқични бошлаб берди. Мазкур Концепцияга мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир миллий қонунчилик муттасил такомиллашмоқда. Бу фуқароларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори медиа тузилмалар фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ўзгаришлар жараёнида электрон оммавий ахборот воситалари жадал ривожланмоқда, улар фаолиятининг самарадорлиги ошмоқда. Мамлакатимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантириш — доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган қатор лойиҳалар, грант танловлари ОАВ таҳририятлари, нашриёт ва матбаа корхоналарининг фаолияти самарадорлигини янада кучайтириш имконини бермоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



5-бетга қаранг

■ Tashabbus ■

МАКТАБДА «КАМАЛАК» БОҒИ

Хоразм вилоятининг Богот туманида жойлашган 1-умумтаълим мактабида «Камалак» боғи ташкил этилди. Боғ ташкил этиш ташаббуси «Камалак» сардорларидан чиқди.

— Эрта баҳорда сардорларимиз мактабимизда мўъжазгина бир боғ ташкил этсак, ниҳолларни ўзимиз парваришлаб ўстирсак бўлайдими, деб қолишди, — дейди «Камолот» ЁИХнинг мактабдаги етакчиси Алишер Отаев. — Бу ташаббусни

мактаб раҳбарияти ҳам қўллаб-қувватлади. Тиниб-тинчимас сардорларимиздан Муслимбек Комилжонов, Феруза Дурдиева, Зарнигор Уринова тенгдошларига ўрناк бўлишяпти. Ўқувчиларга боғ учун махсус ер ажратиб берилди. Сардор

лар дўстлари билан аввалига ажратилган майдонни яхшилаб тартибга келтиришди. Ўқувчилар устозлари кўмагида ерларни чопиб, юмшатиб кўчат экишга тайёрлашди. Қисқа фурсатда ўқувчилар ҳаракати билан турли хил мева кўчатлари экилган боғ пайдо бўлди. Кундан-кун ниҳоллар баравж ўсиб, мактаб боғида меҳнат қилаётган ўқувчиларнинг бўш вақтларига мазмун бағишляпти. Биров кўчатларнинг тагига сув

қуйган, яна биров уни зараркунандалар зиён етказмасин, деб оқлаган, яна бири эса нозик ниҳолларни таёкчага бойлаб, ҳар куни улардан хабар олиб туради.

Халқимизда яхшидан боғ қолади, деган ажойиб нақл бор. Қарангки, эзгу иш вақт, фурсат, ёш танламас экан. Буни боғотлик «Камалак»чи ука-сингилларимизнинг ушбу ташаббуслари ҳам тасдиқлаб турибди.

Муҳаббат САПАЕВА

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

**«Камолот» ЁИХ
Элликқалъа
тумани кенга-
ши «Юрт кела-
жаги — ёшлар
кўлида» шиори
остида фести-
валь ўтказди.**

Унда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари қатнашди. Кўлида хунари бор ёшлар зардўзлик, каштачилик, хунаромандчиликка оид ижодий ва амалий ишларини намойиш этишди.

Харакатнинг Тахтақўпир тумани кенгашида «Ёшлар ва ҳуқуқ» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ишлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга бағишланди.

Учрашувда туман жинорий ишлар бўйича суди ходимлари ёшларга соҳада юз бераётган ўзгаришлар, амалдаги қонунчилик тўғрисида аτροφлича маълумот беришди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Фарғона туманида яшовчи тенгдошларимиз «Камолот»да камол топайлик» шиори остида тадбир ўтказишди.

Харакатнинг туман кенгаши ҳамда Маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилган мазкур тадбир байрамона руҳда ўтди.

Хушовоз хонандалар ижро этган кўшиқлар санъатсевар ёшларга завқ бағишлаган бўлса, спортсеварлар учун мусобақалар ташкиллаштирилди. Футбол, баскетбол бўйича ўтказилган беллашувларда туман ёшлари фаол қатнашишди.

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

«Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказида «Йилнинг энг яхши ёш ихтирочис» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танлов Харакатнинг Наманган шаҳар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди.

Ёш архитектор, дизайнер, мусаввир, дурадгор, заргар ва тўқувчилар ўзларининг амалий ишлари билан қатнашди.

Истеъдодли тенгдошларимизга диплом ва совғалар топширилди.

ИЗЛАНИШ ВА МАСЪУЛИЯТ САМАРАСИ



**(Давоми, аввали
1-саҳифада)**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоеён этиши учун шароит яратиш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, «Uzreport» ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур аънавий танлов соҳа ходимларининг фаоллигини янада ошириш, уларда изланувчанлик, ишга ижодий ва талабчанлик руҳида ёндашувни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Жумладан, 2006 йилдан буён ўтказилаётган мазкур танловда 4 минг нафарга яқин журналист 50 мингдан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик материали билан иштирок этди. 194 нафар журналист «Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳиб бўлди. 48 нафар ижодкор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари таъсис этган мукофотлар билан тақдирланди.

Телевидение, радио,

босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилаётган бу йилги ижодий лойиҳада ўн учта — битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот таъсис этилган. Танлов учун мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган 490 дан ошиқ журналистдан 7500 га яқин ижодий иш келиб тушди. Уларни баҳолашда танқидий ва таҳлилий чиқишларга, ҳаёт ҳақиқати холис акс эттирилган, ижодий изланувчанлик асосида тайёрланган материалларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, навқирон авлод онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга зид ва бегона бўлган зарарли ахборотлар хуружидан ишончли тарзда ҳимоялашга, мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, бу йўналишда кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликларнинг мазмун-моҳияти аτροφлича таҳлил этилган материалларга алоҳида аҳамият берилди.

Танловни ташкил қилиш, ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун маблағ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканали журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош мукофотга лойиқ деб топилди. Телеканал махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишонини, статуэткани ва мамла-



ЎЗА фотомухбири Сарвар УРМОНОВ олган суратлар

ватининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, аънава ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Президентимиз ташаббуси билан «Маданият ва маърифат» телеканали ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият олиб бораётгани мазкур соҳа равнақига кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Буларнинг барчаси зимма-миздаги масъулиятни теран англашга, ёш авлодда соғлом маънавиятни шакл-



лантиришдек шарафли ишга янада жиддий ёндашишга ундайди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолибларига диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишонини, статуэткани ҳамда пул мукофотлари топширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди.

Шу ўринда ушбу танловга қизиқиш халқаро ташкилотларда йил сайин ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бу йилги танловда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ахборот маркази, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган дастури — ЮНЭЙДС,

Халқаро муносабатлар миллий демократик институти (АҚШ), «Регионал диалог» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўз мукофотлари билан иштирок этди. Тантанали маросимда бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

САНЪАТСЕВАР БОЛАЛАР

Дунёда истеъдодсиз боланинг ўзи йўқ. Фақат уни вақтида пайқаб тарбиялай олиш лозим. Чунки иқтидорли ёшлар мамлакат эртасидир.

Бухорода ташкил этилган катта фестивал ҳам ёш авлод истеъдодини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишларнинг бир намунаси бўлди. «Болаларга беринг дунёни!» шиори остидаги болалар санъати фестивали Бухоро вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда унинг муассислигидаги «Бухоро ёшлари» газетаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Фестивалнинг асосий мақсади вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида замон талабларига мос равишда барпо этилган, қулай шарт-шароит ва имкониятлар асосида фаолият юритаётган мусиқа ва санъат мактаблари, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари, мактаб ўқувчилари, мактабга таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг мусиқа ва санъатга бўлган иқтидорларини янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, туман ва қишлоқларда истиқомат қилаётган болаларга ўз истеъдодларини намоён этишларига кўмаклашишга қаратилгани билан эътиборга молик бўлди.

— «Turkiston» савол беради» лойиҳасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши ташкилий кадрлар, ахборот таҳлил ва бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудири Давлат Маҳмудов мендан «Камолот» ЁИХ Бухоро

ро вилояти кенгаши «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қандай янги, муқаддам амалга оширилмаган лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган?» деб сўраганда унга: «Бу саволга жавобим тайёр-ку, лекин янги лойиҳаларимиз ҳозирча сир бўлиб қолишини хоҳлардим. Уларни апрель ойидан бошлаймиз. Шунда ҳаммасини ўзингиз кўрасиз» дея жавоб берган эдим. Апрель ойига мўлжаллаган «сирли» лойиҳамиз ана шу эди, — дейди Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Жамол Носиров. — Лойиҳани амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги тезкор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқди ҳамда бунга Ички ишлар, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, вилоят Мусиқали драма театри каби ҳамкор ташкилотлар бириктирилди.

Фетивални Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Бухоро вилояти ҳокими М.Эсанов очиб берди. У ўз сўзида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида замон талабларига мос барпо этилган, қулай шароитларга эга, миллий ва замонавий чолғу асбоблари билан таъминланган, мусиқий таълимнинг энг сўнги технологияла-



ри қўлланилаётган мусиқа ва санъат мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларга қаратилаётган эътибор, ушбу эътибор самараси ўлароқ, санъаткор болалар томонидан қўлга киритаётган ютуқлар тўғрисида тўхталди ҳамда «Болаларга беринг дунёни!» шиори остидаги фестивал санъатга ҳавасманд болаларнинг анъанавий фестивалига айланиб қолиши лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган санъатга иштиёқманд ўғил-қизлар гуруҳ ва яккагон тартибда ўз санъатларини намойиш этди. Ситора Умарова, Ойбек Қаримов, Гулчирой Бахшуллаева, Моҳичеҳра Салимова, Лазиза Низомова, Сано Назаров, Баҳодир Зарипов сингари ёш хонандалар, шунингдек, «Мақомчилар», «Ёшлар гулдастаси», «Камалак» каби жажжи ўғил-қизлардан иборат рақс дасталари чиқишлари барчага хуш кайфият бағишлади.

Илк маротаба катта сахнада кўшиқ куйлаган Пешкў ту-

манидаги 13-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Шаҳзод Аҳмадов учун бу фестивал маҳорат мактаби бўлди:

— Мен фестивалда «Чойхона» кўшигини ижро этдим. Таассуротларим бир олам, — дейди у.

Тадбирда ўзининг иккита кўшиги билан иштирок этган Ситора Умарова эса фестивал барча тенгдошлари қатори унинг ҳам ижодига илҳом берганини тўлқинланиб сўзлади:

— Болалигимдан санъатга меҳрим баланд. Буни кўрган ота-онам мени шахримиздаги биринчи мусиқа ва санъат мактабига ўқишга беришди. Кўплаб танловларда иштирок этганман, аммо бугун залдаги тенгдошларим олдида кўшиқ куйлаш мени қаттиқ ҳаяжонга солди.

Фестиваль болажонларнинг келусида етук санъаткор бўлишлари йўлида ўзига хос пиллапоя бўлади.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Hududlardan mujdalar

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Гулистон шахрида Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказилаётган «Соғлом бола — юрт келажиги» шиори остидаги «Варрақлар сайли» беллашуви якунланди.

Кун бўйи осмон узра варрақлар ҳилпиради, йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади. Қушдек парвоз қилган варрақлар ичидан энг яхшилари сараланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«Менинг бизнес гоям» республика танловининг Тошкент вилояти босқичи ташкил этилди.

— Танлов доирасида иштирокчилар уч кунлик семинарда қатнашди, — дейди ёшлар ташкилотининг вилоят кенгаши масъул ходими Адҳам Аҳмедов. — Ёшлар бизнес-режалар тузиб, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича зарур тушунчаларга эга бўлдилар.

Танловда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўн тўрт мингдан зиёд ўқувчилари қатнашди. Ҳал қилувчи босқичда саккиз нафар ўқувчи сараланиб, республика босқичига йўлланма олди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда қатор ишлар қилинмоқда.

Шулардан бири «Ҳоким ва ёшлар» учрашувларидир. Шу кунга қадар Жиззах шаҳри ва Арнасой туманида шундай очиқ мулоқотлар ташкил этилган эди.

Яқинда Бахмал туманида Жиззах вилояти ҳокими Сайфиддин Исмоилов ва ёшлар иштирокида мулоқот бўлиб ўтди. Унда ёшлар фикр-мулоҳазаларини билдиришди, ўзларини қийнаётган масалаларни ўртага ташлашди. Мутасаддилар уларнинг муаммолари, таклифларини тинглашди, айримлари шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Boshlang'ich tashkilotlarda

«Ўзметкомбинат» ОАЖдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан корхона цехларида меҳнат қилаётган ёшлар ўртасида «Имкон шоу» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

КОМБИНАТДА «ИМКОН ШОУ»



Ўтган йилдан буён ҳар ойда бир маротаба ўтказилаётган лойиҳа доирасидаги навбатдаги ўйинда мактабгача тарбия муассасалари цехи ҳамда 1-навли прокат цехи вакиллари билим ва актёрлик маҳоратларини намоён этишди. 1-навли прокат цехининг «Интеллект» жамоаси ғолиб бўлди.

Бекзод ҚОДИРОВ,
«Ўзметкомбинат» ОАЖ
«Камолот» ЁИХ БТ етакчиси

Ko'zgu

ДОЛЗАРБ ВАЗИФА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес марказида ташкил этилган «Журналистларнинг касбий этикаси ва масъулиятини ошириш масалалари» мавзусидаги давра суҳбатида бугунги журналистларнинг ахлоқ қоидаларига қанчалик риоя этаётганликлари, бу борадаги мавжуд муаммо ва вазифалар муҳокама этилиб, муҳоқасаларга кенг ўрин берилди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбатида журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, юртимизда фаолият кўрсатаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури, Жаҳон банки, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган экспертлар таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда журналистларнинг одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишлари долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Давра суҳбатида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган баъзи материалларнинг савияси, ифода усуллари, журналистларнинг маҳоратига оид танқидий фикрлар билдирилди. Журналист воқеликни холис акс эттириш билан одамларнинг ҳаққоний ва тўғри ахборот олишини таъминлайди, дейишди мутахассислар.

Тадбирда «Ўзбекистон журналистларининг одоб-ахлоқ меъёрлари касбий кодекси» лойиҳасининг тақдимоти ўтказилиб, ушбу ҳуқуқий ҳужжат шу соҳадаги экспертлар, амалиётчи журналистлар ўртасида муҳокама қилинди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири

■ *Iste'dodli yoshlar — mamlakat tayanchi* ■

МЕН ВАҚТГА ЮТҚАЗИШНИ ИСТАМАЙМАН!

— дейди Беруний номидаги давлат
стипендияси соҳибаси Нодира Умарова

**Ёшлик — имкониятлар
фасли. Ўқиш-ўрга-
ниш, фаоллик, та-
шаббускорлик —
ёшликнинг безаклари.
Ёшлар эса шу безак-
ларнинг чинакам даъ-
вогарлари.**

Навоий давлат кончилиги институ-
тининг энерго-механика факультети
магистранти, Беруний номидаги дав-
лат стипендияси соҳибаси Нодира
Умарова ёшлик дафтари гўзал си-
фатлар, интилишлар, муваффақият-
лар билан беамоққа чоғланган
ёшлардан.

Нодира кечагидек эслайди: уйда
дастурхонга дуо ўқиётганда онаси-
нинг «қизим ақлли, ўқимишли
бўлсин», дея ҳар гал яхши тилак бил-
дирганида чиндан ҳам шундай бўли-
шини қизалоқ жуда-жуда хоҳларди.
Шаффоф қалбидаги ширин хаёллар
унга ёқимли шабададек хузур бағиш-
ларди.

«Онам тилаклари, албатта, ижобат
бўлиши керак» — бу унинг олдига
қўйган мақсадларидан бири эди...

— Яхши ниятлар ҳам кўпинча ин-
сонга аниқ мақсадлари сари пилла-
поя вазифасини ўтайди, — дейди Но-
дира.

Нодира Умарова тиришқоқлиги
боис мактаб давридаёқ кўплаб ютуқ
ва муваффақиятларга эришди. Кони-
мех туманидаги 2-мактабда аълочи
ўқувчи сифатида тенгдошлари ва ус-
тозларининг фахрига айланди.

Мактабда ўтказилган «Мен келажак-
ни қандай кўраман, сенга шу ҳақда
ёзаман» мавзудаги иншолар танло-
вида (инглиз тилида) вилоятда фахр-
ли учинчи ўринни эгаллади. Шунинг-
дек, у мактабда М.Шукуров номидаги
стипендия соҳибаси ҳам бўлган.

Аълочи ва ҳар ишда жамоатчи
Нодира 1-Зарафшон академик лицее-
идаги таҳсили давомида «Шарқ ма-
ликаси», «Балли, қизлар», «Ёш китоб-
хон», «Ёш физик» деб тан олинди.

— Мен ўқишларим ва вақтимнинг
эгасиман, — дейди талаба қиз. — Шу
сабабли ўқиш, жамоат ишлари бил-
лан қанчалик банд бўлмайин, албат-
та, спорт билан шуғулланаман. Тэк-
вондо, каратэ — қизиққан спорт тур-
ларим. Мусиқани ёқтираман. Конимех
туманидаги 1-мусиқа мактабининг
фортепиано йўналишида етти йил

таҳсил олдим. Ва уни имтиёзли ту-
гатдим, — дейди у.

Нодира Умарова бугун ўзи орзу қил-
ган олий ўқув юртининг талабаси. На-
воий давлат кончилиги институти «Ка-
молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бош-
ланғич ташкилотининг фаол аъзоси.
Ёшларни суйайдиган, уларга тўғри йўл
кўрсатадиган «Камолот» юмушларидан
чарчамайди. Шунингдек, чет тиллар ка-
федраси қошида ташкил этилган
«LUCK» инглиз тили клубининг иқти-
дорли аъзоси. Институтда ҳар йили
анъанавий тарзда ўтказиладиган «Фан
ва техника тараққиётида ёшлар» мав-
зудаги илмий-амалий анжуманларда
доимий иштирокчи. Йигирмага яқин те-
зислари чоп этилган.

— Доимо банд киши ҳамиша ҳар
нарсага улгуради, деганларидек, ти-
ниб-тинчимас талаба Нодира Умаро-
ва газета ва журналларда ҳам ўз ижо-
дий мақолалари билан қатнашиб кел-
япти. Айниқса, унинг «Юртим билан
фахрланаман», «Интернет ва ёшлар»,
«Интернетпарастлик оқибатлари»
номли мақолалари ҳақида илиқ
фикрлар билдирилди. Бу эса талаба-
ни янада ижодий изланишларга ун-
дайди, — дейди Навоий давлат кон-
чилиги институти маънавий-ахлоқий



тарбия ишлари бўйича проректори
Холмамат Раупов.

— «Цемент ишлаб чиқаришда клин-
тер қиздириш жараёнида интеллекту-
ал бошқарув тизимларидан фойдала-
ниш» мавзудаги илмий ишимни кел-
гусида устозларим кўмагида давом эт-
тирмоқчиман. Шу билан мамлакатимиз
иқтисодиётига ўзимнинг сезиларли
ҳиссамни қўшмоқчиман, — дейди
илмга иштиёқи баян Нодира.

Мақола аввалида яхши ният ҳақида
сўз айтгандик. Назаримизда, сўзимиз
бироз исботини топгандек. Ҳамма ишда
биринчи бўлишга одатланган қатъият-
ли Нодиранинг бундан кейинги янги-
янги орзулари унинг ойдин йўлларини
нурафшон қилишига ишонамиз.

**Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири**

■ *Taassurot* ■

АДИБ НИГОҲИДАГИ ОЛАМ

**Ўзбекистон тарихи бир неча мингйил-
ликларга бориб тақалади. Бу замин
узок ўтмиш хотираларини ўз бағри-
да сақлаб келмоқда. Шулар қатори-
да Сурхон воҳаси энг қадимий ўлка-
лардан биридир. Ушбу ўлка очилма-
ган сирларга бой.**

Юртимизда тарихни ўрга-
нишга алоҳида эътибор бери-
лади. Худди шу мақсадда
Икуо Хираяма халқаро мада-
ният карвонсаройида яна бир
тадбир бўлиб ўтди. Ўзининг
қатор асарлари билан халққа
яхши таниш бўлган ёзувчи
Нодир Норматов «Товка
кўрғони» номли фотокўрғаз-
масини намойиш этди.
Кўрғазмага қўйилган қирқдан
ортиқ фотосуратлар кўрғон-
нинг бугуни ва кечасини

ўзида акс эттиради.

«Алпомиш» достонида
«Товка ойим кўрғони бор эди,
унинг ичи, деворлари нақшу
нигорлар, соҳибжамол гўзал-
лар тасвири билан безатил-
ган эди» деган таъриф учрай-
ди. Қадимшунос олимлар
фикрича, Сурхондарё вилоя-
тининг Шеробод тумани мар-
казига яқин Саримас деб
аталмиш тоғ даҳанаси тепа-
сидаги кўрғон «Товка кўрғо-
ни» деб аталган, у III-IV аср-



ларда барпо этилиб, унинг
гуллаб яшнаган даври VII
асрга тўғри келади. Респуб-
ликада энг қадимги бож-
хона ёдгорлиги сифатида
сақланиб қолган бу кўрғон
Тохаристон давлати даврида
фаолият кўрсатган. Бу божхо-
на бекати орқали карвон

Ҳиндистон, Эрон, Афғонис-
тон, Тохаристон ва бошқа то-
монларга йўл олган. Баян
тоғ чўққисидаги Товка айни
пайтда душмандан хабар бер-
увчи жой ҳисобланиб, у ер-
дан марказга, олов ёқиш ор-
қали огоҳлантирувчи хабар
берилган. Бундан ташқари, у
ахборотлар йиғиладиган жой
вазифасини ҳам ўтаган.

Нодир Норматов нафақат
ёзувчи, балки санъатшунос,
шунингдек, киносценарийна-
вис ҳамдир. Унинг сценарий-
лари асосида санъат арбоб-
лари ва усталарига бағиш-
ланган «Бехзод ворислари»,
«Чингиз Ахмаров», «Шамс-
рўй», «Малик Набиев»,
«Қишлоқ рассоми», «Сурхон
куллоллари», «Бойсунлик Го-
ген» каби йигирмадан ортиқ
хужжатли фильмлар суратга
олинган. Н.Норматов фото-
кўрғазмаси билан биргалик-

да худди шу номдаги хужжат-
ли фильмни ҳам меҳмонлар
эътиборига ҳавола этди.
Унинг сценарийси асосида
суратга олинган ушбу фильм
режиссёри Умид Ортиқов-
дир. Унда кўрғон эрамизнинг
VII асригача фаолият кўрсат-
гани, Тохаристонга оид ноёб
иншоот — қадимий божхона,
унинг бешта иншооти, 110
метрдан иборат бўлган йўла-
ги ва Сарикамиш тоғларида-
ги манзаралар ҳақида ҳикоя
қилинади.

Фильмнинг асосий қисми-
ни Товка билан боғлиқ эллик-
дан ортиқ рангли деворий су-
ратлар эгаллайди. Ўша давр
рассомларининг юксак маҳор-
ати ранглар ва тасвирлар-
нинг пухта композициялари-
да, отлар, зодагон аёллар
портретлари ва турли ов
манзараларида намоён
бўлган. Шунингдек, фильмда
тоғдаги Даҳана ёдгорликла-
ри — Кофирқалъа, Беклик
кўрғони, Аширхилват ёнида-
ги Ҳотамтой қалъаси хароба-
лари ҳам суратга олинган.

«Меҳнат шухрати» ордени
соҳиби Н.Норматовдек тиним
билмас ижодкорлар туфайли
Ўзбекистон тарихини янада
чуқурроқ ўрганишга муваф-
фақ бўламиз.

**Кумушбиби ЭРМАМАНОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.
Рустам Назарматов
олган суратлар.**



АЗИМ ШАҲАРДА ЁШЛИК ТАНТАНАСИ

«Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Бирлашсак — катта кучмиз!» шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди. Унда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари ва фаоллари, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи ёшлар иштирок этди.

Фестиваль Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр масжиди — «Афросиёб» музейи — Улугбек расадхонаси йўналиши бўйича югуриш марафони билан бошланди. Мусобақада беш минг нафардан зиёд ўқувчи ва талабалар, хотин-қизлар, корхона-ташкilotларнинг ёш ходимлари қатнашди. Шу билан бирга, шаҳардаги Олимпия захиралари тайёрлаш маркази, Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей спорт заллари ва бошқа спорт объектларида баскетбол, қўл тўпи, миллий кураш, ўзбек жанг санъати, муайтай, шахмат бўйича мусобақалар уюштирилди.

«Самарқанд» концерт залида «XXI аср — интеллектуал авлод асри» мавзуида ёш олимлар, иқтидорли талабалар ҳамда республикамиздаги барча олий таълим муассасалари «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот етакчилари иштирокида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Шундан сўнг Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев билан «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари ғолиблари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, ёш ижодкорлар ва талаба-ёшлар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Учрашувларда асосий эътибор ёшларни ёт гоғлар таъсиридан асраш, уларнинг билим ва малакасини ошириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истигаида бўлган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласига қаратилди. Ёшлар бу борада ўз тақлиф ва ташаббусларини баён этдилар, вилоят ҳокимидан

ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Жумладан, ёшлар томонидан Самарқанд шаҳрида ветеринария хизматидан ташқари, уй ҳайвонларини даволаш клиникаси ҳамда ҳайвонот боғи, замонавий ахборот-ресурс маркази, Самарқанд давлат чет тиллар институтида талабалар учун синхрон таржимонлик курси ҳамда замонавий овоз ёзиш студиясини ташкил этиш, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот бўлими фаолияти йўлга қўйилиб, шу орқали янги тақлиф ва гоғлар билан чиқувчи ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш, Самарқанд олимпия захиралари коллежида қизлар учун алоҳида спорт зали ташкил этиб, уни янги спорт анжомлари билан жиҳозлаш борасида тақлифлар билдирилди.

Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатрида «Бирлашсак — катта кучмиз!» кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танловда Ҳаракатнинг Жомбой туманидаги 46-мактаб, Пастдарғом политехника касб-хунар коллежи, Самарқанд давлат университети, Давлат солиқ бошқармасидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари, Пайарик тумани ҳокимлиги турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилди.

Ўттиз нафар фаол тенгдошимиз тантанали равишда «Камолот» ЁИХ аъзоллигига қабул қилинди.

Тадбир Тошкент ва самарқандлик таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт билан якунланди. Тадбирда



вилоят ҳокими З.Мирзаев ҳам иштирок этди.

ЭЪТИРОФ

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, хусусан, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилиш

ҳамда бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида «Бирлашсак — катта кучмиз!» шиори остида олтинта номинация бўйича кўрик-танлов эълон қилинган эди. Танловга Ҳаракат тизимидаги барча бошланғич ташкилотлар, шаҳар ва туманлар кенгашлари жалб этилди. Бундан буён мазкур лойиҳа доимий ўтказиб келинади.

— Ҳаракатнинг қўллаб ташаббус ва лойиҳалари қўмағида ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик, — дейди кўрик-танловда «Олий таълим муассасаларидаги энг намунали бошланғич ташкилот» номинациясида ғолиб бўлган Хусан Тўхтаев.

«Камолот» ЁИХ нуфузини янада ошириш ва бошланғич ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқанд давлат университетида «Ёшлар маркази» ташкил этилди. Марказ замонавий моддий-техник базага эга бўлиб, компьютер хонаси, бепул ва юқори тезликдаги WiFi интернет ҳудуди, бошланғич ташкилот йўналишлари учун алоҳида хоналар билан таъминланган ва доимо талабалар билан гавжумдир.

Талабаларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ёт гоғ ва мафқураларга берилмаслиги, диний экстремизм, гиёҳвандлик каби салбий иллатларга қарши курашиш мақсадида бошланғич ташкилотлар қошида турли тўгарак ва клублар фаолият юритаяпти. Масалан, иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар йўналиши бўйича «Заковат», «Кувноқлар ва зукколар» клублари самарали фаолият олиб бормоқда. «Заковат» интеллектуал клубига етти юз нафар талаба

аъзо. Клуб томонидан ҳар йили факультетлар ўртасида университет биринчилиги ўтказилади.

СамДУдаги «Ёш посбонлар» жамоат тузилмасида уч юз нафардан зиёд муддатли ҳарбий хизматни ўтаган талаба бирлашган.

«Бунёдкор» талабалар меҳнат ҳаракати орқали 450 нафардан зиёд талаба мавсумий иш билан таъминланди. Ҳар бир факультетда «Бунёдкор» меҳнат гуруҳи тузилган бўлиб, уларга, асосан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб университетга ўқишга кирган ёшлар жалб этилмоқда.

— Тошкентдаги қўшма корхоналардан бирида ишлайман. Кўҳна Самарқандни томоша қилиш учун келган эдим. Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида сайр қилиб, ёшларнинг вилоят ҳокими билан учрашувига гувоҳ бўлдим. Ҳоким ёшларнинг тақлиф ва ташаббусларига қизиқаётгани, уларнинг муаммоларини эшитиб тегишли раҳбарларга кўрсатма бераётгани эътиборимни тортди. Мамлакатингизда ёшларнинг маънавий ва жисмоний баркамоллигига эришиш, Ватанга содиқлик руҳи, миллий истиқлол гоғиси асосида тарбиялаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётганидан хабарим бор, — дейди хитойлик тадбиркор Гао Янь.

— Юртимизда ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу соҳада кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг натижаси ўлароқ, ёшларимиз ўз меҳнати, ақл-заковати билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бунда «Камолот» ЁИХ амалга ошираётган лойиҳаларнинг ўрни бўлачқ, — дейди Самарқанд иқтисодий ва сервис институти талабаси Хусан Ибрагимов.

Фестиваль минглаб ёшларда катта таассурот қолдирди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» муҳбири



■ Mustaqillik shukronasi ■

ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Қалбимдаги ўзгача бир тугён мени тез-тез пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида чорлайди. Бу мўътабар майдонга ҳар сафар қадам қўйганимда ўзимда тенгсиз бир ҳиссиётни, гурур ва фахр туйғусини ҳис этаман. Бундай мўъжизавий ҳолат юрагимнинг энг чуқур жойига бориб, бутун вужудимни қамраб олади, десам муболага бўлмас.

Майдонга кираверишидаги ўхшаши йўқ фавворалар орасидаги дарвозадан ўтар эканман, севимли қушлар мени Мустақиллик ва эзгулик монументи, «Бахтиёр она» ёдгорлиги сари етаклайди. Кўм-кўк арчазор оралаб сўлим йўлаклардан ёдгорлик сари ошиқаман. Гўё фарзанд меҳрибон онасига талпинаётгандай. Қалбда ҳаяжон. Қадамлар равон. Нигоҳлар манзилга қадалган. Кимўзарга беллашгандай тезлик билан мажмуага етиб бораман.

Бу ёдгорлик ҳар биримиз учун алоҳида эъзозли.

Бу муқаддас жой ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Инсониятнинг асрлар оша тан олинган чин қахрамони — Она ва Болага ҳайкал ўрнатилди. У юртимизда рўй берган Истиклол шарофати билан бунёд этилди ва чин маънода унга «Бахтиёр она» деб ном берилди.

«Бахтиёр она» неча йилдирки, Ўзбекистонимизнинг қалби, фахригурури бўлиб, бутун дунёдан Ватанимизга ташриф буюраётган инсонларни қарши олмоқда. Улар оналарга кўрсатилган шундай эҳтиром учун бунёдкор халқимиз шаънига ташаккурлар айтишади, тинчлик ва осойишталигимизнинг кўзгуси бўлган «Бахтиёр она» ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилади.

Ёдгорликка боқиб, хаёлга чўманман. Она севимли фарзандини эркалаб, «Сенинг она юртинг — Ўзбекистонимизнинг келажиги порлоқ,

ҳеч ташвишланмай улғаявер», деяётгандай. Энди қани, айтинг, шундай ҳайкал дунёнинг яна қайси мамлакатада бор? Бу чин маънода мамлакатимизда олиб борилаётган изчил оқилона сиёсатнинг амалдаги яққол ифодаси.

Буюк донишмандлар Ватанга муносиб таъриф бериш ниятида уни Она сиймосига қиёс этганларида жуда катта маъно бор. Дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиб зот ҳам — онадир.

Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган энг юксак фазилат, удум ва қадрият.

Минг чандон ўйлаб, айнан шу майдонда бунёд этилган «Бахтиёр она» ёдгорлиги гоёси беҳуда амалга оширмаганлиги, буюк даҳо шоиримиз Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрларини эсга солади:

*Онларнинг оёғи остидадир,
Равзаи жаннат у жинон боғи.*



Ҳусам Наварматов оlingан сурат

*Равза боғи висолин истар эсанг
Бўл онанинг оёғин туфроғи.*

Бу майдонда яна бир ёдгорлик бор. У бугунгидай кўпчилик орзу қилган тинчлик учун жонини фидо қилиб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган фарзандлари учун нола чекаётган мўътабар зот — «Мотамсаро она» ҳайкалидир. Ёдгорлик ва мангу аланга «Хотира ва қадрлаш» мажмуасининг асосини ташкил қилади. Шу сабабли бу

ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

Онанинг маънос, ўйчан қиёфасидаги дард ва меҳр кишига таъсир қилади. Она сиймосида ўзбекона миллийлик тўлақонли акс этирилган. Пешонасидаги дуррача, устидан ўралган катта рўмол, узун энгли кўйлак — бу асл ўзбек аёлига хос либос. Бу — Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган жигарбандлари гамида изтироб чеккан Ўзбекистондаги минглаб оналаримизнинг қиёфасидир.

«Мотамсаро она» ҳайкалига разм солар эканман, бўлиб ўтган даҳшатли уруш минглаб оналарнинг бошига не-не кулфатлар солганини ва тинчликнинг қадри нечоғлик бебаҳо эканлигини дилдан ҳис қилдим.

Дарҳақиқат, дунё нотинч, минглаб оналар нотинч. Айрим мамлакатларда одамлар неча йиллардан буён у ёки бу сиёсатнинг қурбони бўлиб, бошлари ташвиш, низолардан чиқмаяпти. Оналар қалби безовта, болалар ҳали болалик маъсумлиги кетмай туриб, қўлларига китоб ўрнига қурол тутишмоқда. Буларни кўриб, эшитиб, диллар эзилмайдими?..

Дунё мангу. Ҳаммани ҳам муқаддас она дунёга келтиради. Лекин шундай кимсалар борки, улар тенгсиз бойлик истагида, ўзларининг шахсий манфаати учун онани ҳам унутадилар. Аммо ҳеч қачон онани эсдан чиқариб, қалбдан ўчириб бўлмайди.

Мамлакатимизнинг энг мўътабар бош майдони — Мустақиллик майдонидаги оналарни шарафлаб қўйилган икки ёдгорликни зиёрат қилиб, шу сўзларни қоғозга туширдим. Бу сўзлар айнан оналарга бахшида этилгани учун ҳам ўзимни бахтиёр ҳис қилдим. Тинч замонда, осойишта заминда оналарни ўйлашдан, мадҳ этишдан ортиқ бахт борми одам учун?!

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

■ Ma'naviyat ■

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ — МАЪРИФАТ!

Глобаллашув жараёни тобора шиддатли тус олаётган бугунги кунда турли кўринишдаги гоёвий хуружлар хавфи ортишининг эҳтимоли катта. Бир томондан, экстремистик руҳдаги оқимлар, бошқа томондан, миссионерлар ва «оломон маданияти» тарғиботчилари, айниқса, ёш авлод онгига ўзларининг пуч гоё ва ақидаларини сингдиришига муттасил ҳаракат қилмоқдалар. Натижада диний қадриятларимиз ва соф Ислом таълимотидан етарли тасаввурга эга бўлмаган баъзи ёшлар уларнинг найранглирига алданиб қолмоқда.

Ёшлар орасида Ғарб давлатларининг моддий тараққиётига уларнинг маданияти асос деб ўйлаб, кийинишда, ўзини тутишда, ҳатто фикрлашда миллийликка ёт усулларни маъқул кўраётганлари ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолат соғлом фикрли ҳар бир одамни хушёр торттирмасдан қўймайди.

Муқаддас динимиз таълимотида мусулмон киши ўз эътиқодига, хур ва озод яшашига раҳна солувчи ҳар қан-

дай хавфга қарши курашиши лозимлиги таъкидланади. Қуръони каримда шундай дейилган:

«Улар учун имконингиз борича (ҳарбий) куч ва отлик бўлинмаларни тайёрлаб қўйингиз! Бу билан Аллоҳнинг ва ўзингизнинг душманингизни ва улардан ўзга сиз билмайдиган, лекин Аллоҳ биладиган (душман)ларни ҳам кўрковга солган бўлурсиз. Аллоҳнинг йўлида нимани сарф

қилсангиз, сизларга (унинг савоби) зулм қилинмаган ҳолингизда тўла-тўқис берилур» (Анфол, 60).

Ушбу ояти карима маъносини Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша даврнинг шароитидан келиб чиқиб баён қилганлар. Масалан, «куч» сўзини «камонттиш» деб тафсир қилиб: «Болаларингизга камонттишни, отда чопишни ҳамда сувда сузишни ўргатинглар», деб марҳамат қилганлар. Чунки ўша даврда ҳимояланиш учун энг афзал қурол — чавандозлик ва мерганлик бўлган. Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг каломига ҳар даврнинг шартшароитидан келиб чиқиб ёндашилса, унинг нақадар тўғри эканига такрор-такрор амин бўлаверамиз. Гоёвий курашлар авж олган ҳозирги даврда юқоридаги ояти каримадаги «куч» сўзини «маърифий ва гоёвий куч» деб талқин қилиниши айни муддао бўлади. Бу эса «Гоёга қарши гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ лозим», деган ширга ҳам тўла мос келади.

Демак, Аллоҳ таолонинг амирага мувофиқ, XXI аср гоёвий хуружларига қарши маърифат билан қуролланмоқ керак. Инчунун, ёш авлод онгига мафкуравий хуружларга қарши гоёвий кучни, маънавий иммунитетни ҳосил қилмоқ замон талабидир.

Маънавияти юксак, эътиқоди мустаҳкам халқни ёвуз куч энга олмайди. Тарихдан бунга мисоллар кўп. Жумладан, Абдулваҳҳоб Ас-Сакбийнинг «Табақотуш шофийатул кубро» асарига шундай воқеа баён қилинган: «Боғдодда амирул муъминин Мутиуллоҳга Рум қироли Тақфурдан мактуб келади. Номада бутун мусулмон аҳлига таҳдид, дўкпўписа ҳамда турли хил бўҳтону таҳқир мазмунидаги қасида битилган эди. Уша вақтда илм ўчоғи бўлган Боғдодда кўплаб адиблар, шоирлару фусаҳолар жамланган бўлишига қарамай, ғанимнинг бу мактубига раддия ёзишга ҳеч бирларининг журъати етмайди. Фақатгина тасодиф туфайли Боғдодда мусофир бўлиб турган буюк ватандошимиз Имом Абу Бакр Қаф-

фол Шоший ҳазратларигина муносиб жавоб — номани ёзади. Тақфур хатни ўқиб дағ-дағ титрайди ва кўрковдан пешоби тутилиб қолади».

Бу воқеа маънавий етуқлик энгилмас куч эканига ёрқин мисол бўла олади. Халқимиз шундай маънавий жасорати сабаб Қафол Шоший ҳазратларини «Пошшомот ота» номи билан ҳам ёд этиб келади.

Аждодларимизнинг юксак илмий ҳамда маънавий салоҳияти, қолдирган бебаҳо мерослари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Фахр туйғуси, ўз навбатида, зиммамизга аждодларга муносиб авлод бўлиш масъулиятини юклайди. Муносиблик эса мустаҳкам эътиқод, қадриятларга садоқат билан ўлчанади. Шунинг ўзи ҳар қандай хуружларга муносиб қалқон, ҳар қандай пуч гоёларга қарши курашда ишончли қурол бўлади.

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
«Кўкалдош» Ислом ўрта
махсус билим юрти
мудир

Kela jakka qadam

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ФАН ҲАФТАЛИГИ

Тошкент давлат техника университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва таълим муассасасидаги «Ёшларнинг инновацион гоёлари» маркази томонидан «Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Етти юз нафардан ортиқ талаба ўз устозлари раҳбарлигида олиб бораётган илмий изланишлари, техник лойиҳалар ва ишланмалари бўйича маърузалар қилди. ТДТУ факультетларида ўтказилган шўба мажлисларида иқтидорли ёшларнинг маърузалари тингланиб, улар олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрганиб чиқилди. Анжуман доирасида «Энг яхши инновацион гоё» ва «Энг яхши маъруза» номинациялари

бўйича танловлар ҳам бўлиб ўтди.

Уларда ТДТУ иқтидорли талабалари ва магистрантлари ўзлари олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари билан фаол иштирок этдилар. Танловни ўтказишдан мақсад иқтидорли талабаларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятларини ошириш ҳамда олиб борилаётган изланишлар натижалари бўйича ёшларни рағбатлантиришдан иборат.

Анжуманда мамлакатимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларининг талабалари ҳам ўз илмий мақолалари билан иштирок этдилар.

Анжуманда фаол қатнашган иқтидорли тенгдошларимиз «VII Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси»да иштирок этдилар. Ушбу ярмаркада улар ўзларининг илмий ишланмаларини амалиётга жорий этиш мақсадида саноат корхоналари билан хўжалик шартномалари туздилар.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

Yosh mutaxassislar

КОРХОНАНИНГ ЭРТАНГИ УМИДЛАРИ

Мамлакатимизда янгиликка интилувчан ёшларнинг иқтидорини юзага чиқаришга қаратилаётган эътибор уларнинг янги лойиҳалар устида иш олиб боришига асос бўляпти.



«Фарғонаазот» очик акциядорлик жамиятида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ҳам юқоридаги фикримиз далилидир. Танловнинг «Энг фаол ёш кимёгар» номинацияси бўйича корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари томонидан тавсия этилган иштирокчилар ўзаро беллашдилар.

Унда, асосан, тақдим этилаётган лойиҳанинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги, иқтисодий самарадорлиги ва бошқа қатор омилларга эътибор қаратилди.

Корхонамизда 2012 йилдан буён «Ёш мутахассис — корхона таянчи» шиори остида танлов ўтказиб келинади, — дейди «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Зулхумор Исманова. —

Эндиликда ташкил этилган танлов кенг қамровлилиги, қўйилаётган талабларнинг мураккаблиги ва шартларнинг мукамаллиги билан аввалгисидан фарқ қилади. Танловда ёшларимиз ўз билим ва иқтидорини корхона ривож учун сарф этишга тайёр эканликларини амалда исботлашди. Ўз рационализаторлик таклифларини муносиб ҳимоя қилишди.

Танловга тақдим этилган таклифларнинг барчаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни қисқартириш, корхонанинг ички имкониятларини янада

оширишни кўзлайди.

Ўзининг «Частотали ўзгартиргич ўрнатиш орқали электр энергиясини тежаш» мавзuidaги таклифи билан 3-аммиак ишлаб чиқариш цехи электр ускуналарини таъмирлаш бўйича катта устаси Алибек Жуманиёзов корхонадаги энг яхши ёш мутахассис деб топилди.

Иштирокчилар корхона раҳбарияти ва «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг совғалари билан тақдирланди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Ibrat

ОИЛАМ ДЕГАН ОЛҚИШ ОЛАДИ

...Сиз, икки жуфтлик бир-бирингизни кўрган кунингиздан бошлаб осмонларда учиб юрибсиз. Бир-бирингизнинг гўзал чехрангизга, сарвдай қадди-бастингизга, бийрон тилларингизгаю ҳар икковингиз ўсган хонадоннинг молу давлатига қараб баҳо бердингиз ва ўртада СЕВГИ отлиг ришталар пайдо бўлди. «Ўзимга муносибини топдим» дедингиз ва ширин хаёллар огушида яшай бошладингиз. Бир-бирингиз учун мисоли олтинсиз, энди дунёни бир-бирингизсиз тасаввур этолмайсиз.

...Сиз бир оиласиз. Рўзгорнинг ғорларини тўлдиролмаяпсиз... Оҳ чекасиз, дардингизни дoston қиласиз, «олтин деганим аслида мис чиқди» дея пушаймонлик ўтида қовуриласиз.

Хўш, жуфтлик танлашни дўконга ёки бозорга бориб кийим танлаш, деб

ўйлаганмидингиз? Ахир, кийимнинг ҳам сифатига, мос келиш ёки келмаслигига, чидамлими ёки бир марталикми, дея барча хусусиятларига қараб танлайсиз-ку, азизим? Кўнглингиз озор топса, уйингиз нотинч бўлса, тутаниқшдан аввал шу ишларга аслида, ўзим сабабчи-

ман, деб ўйлайсизми ҳеч? Бўйингизга тенг бўй топибсиз-у, бироқ, қалбингизга тенг қалб топмабсиз-да, азизим!

Оила — муқаддас даргоҳ. Етарли тайёргарлик кўрмай туриб оилага яқинлашиб, қуриб бўлмайди. Оила қуриш дегани истироҳат боғида жуфтинг билан қўл беришиб, гул қўлтиқлаб, бир-бирингизга дил розларининг айтиб юриш дегани эмас. Оила — эр-хотиннинг онгли иттифоқи, масъулияти залворли, юки бор, миллатимизнинг қадри, ор-номуси ҳам аввал ана шу оилаларда шаклланади, фарзандларимизнинг энг саралари ҳам аввал мустаҳкам оилалар қўрғонида улғайиб, камол топади...

«Ёш оила мактаби»да бўлганмисиз? Нокамтарликка йўймангу, агар ФХДЁ қошидаги «Ёш оила мактаби» машғулотлари

ташриф буюрсангиз, юқоридаги каби оила, рўзгор, ўзаро оилавий муносабатлар, турмушда юз бериб турадиган айрим муаммолар, жуфтликларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида, шунингдек, никоҳнинг муқаддаслиги, тирик етимга айланаётган болалар, оилаларнинг дарз кетишига сабаб бўлаётган ҳолатлар тўғрисидаги қизиқарли, манتيқли мулоҳазаларни тинглайсиз.

«Соғлом бола йили» доирасида ташкил этилган ана шундай машғулотларимизнинг бирида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тумандаги вакили Рустамжон Отаматов, «Янгиқўрғон ҳаёти» газетаси муҳаррири Дилбар Аскарлова, тажрибали шифокор Мурибатов Зокирова, ҳуқуқшунослар Иқболхон Сарибоева, Насибохон Тожибоева ва бошқа мутахассислар оила қуриш остонасида турган йигит-қизлар билан қизгин мулоқотда бўлдилар.

Ферузахон ҲАКИМОВА,
Наманган вилояти
Янгиқўрғон тумани
ФХДЁ бўлими
мудираси



Энг яхши ресторан қаерда?

Дунё ошпазларидан тузилган мутахассислар гуруҳи жаҳондаги энг яхши ресторанлар рўйхатини тузиб чиқишди.

Улар ресторанларнинг «энг яхши» деган сифатга лойиқлигини аниқлаш учун ҳар бир мамлакатдан камида ўнта овқатланиш муассасасини маълум вақт кузатишди. Унда, асосан, озодалик, тартиб-интизом, хизмат сифати, таомларнинг мазаси ҳамда ресторан жойлашган жойга аҳамият берилди. Натижада биринчи ўринга Даниянинг Копенгаген шаҳрида жойлашган «Noma» ресторани, иккинчи ўринга испанларнинг «El Celler de Can Roca» ва учинчи ўринга ва италияликлар хизмат кўрсатувчи «Osteria Francescana» ресторани лойиқ топилди.

Кучли ўнталикдан «Eleven Madison Park» (АҚШ), «Dinner» (Буюк Британия), «Mugaritz» (Испания), «D.O.M.» (Бразилия), «Arzak» (Испания), «Alinea» (АҚШ) ва «The Ledbury» (Буюк Британия) ресторани ўрин олган.

Минг йилга кафолат

Буюк Британиялик косиб Крис Шеллис кафолати ўртача минг йилга мўлжалланган оёқ кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Маълум бўлишича, уста дунёдаги энг сифатли пойабзал асоси учун пўлат ва қумушдан фойдаланган. Ўртача 1600 АҚШ доллари га сотиб олиш мумкин бўлган оёқ кийим қисқа муддатда таъмирлашни талаб этмасан-да, захира учун керакли кичик деталлари ҳам унга қўшиб берилади. Пойабзалнинг ички қисмини инглиз мутахассислари ишлашди. Бу эса уни кунига ҳеч қандай муаммосиз ўн соат кийиш имконини беради. Ташқи безаги эса, буюртма асосида тайёрлаб берилмоқда.

Муваффақиятсизликка мураббий айбдорми?..

Испаниянинг «Барселона» клуби раҳбарияти Луис Энрикени келаси мавсумдан бош мураббий этиб тайинлашини эълон қилди.

Энрике шу вақтга қадар «Селта» клубида ишлаётган эди. Ҳозирча расман шартнома имзоланмаган бўлса-да, клуб раҳбарияти билан оғзаки келишув мавжуд. Энрике бир неча йиллар муқаддас «Барселона»да тўп суриб, мураббийлик фаолиятини ҳам айнан шу клубда бошлагани учун раҳбарият уни танлаган. Амалдаги бош мураббий Херардо Martino эса муваффақиятсиз ўйинлар сабаб, янги мавсумдан Аргентинага қайтиб кетади.

Энг қиммат пицца

Канадада ғарбий ярим шарнинг энг севимли фастфуд ҳисобланган пицца тайёрлаш бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Унда «Гиннес рекордлари китоби»га рўйхатга олиш учун махсус комиссия аъзолари ҳам таклиф қилинди. Мусобақада канадалик Нодир Ҳотамий ўзининг антиқа ва жуда қимматбаҳо таоми билан барчани лол қолдирди. Ошпаз пиццанинг янги турини ичиға камёб денгиз ўтларидан қўшиб пиширди. Натижа ёмон эмас, фақат бир бўлак пиццанинг нархи 450 АҚШ доллари эканини айтмаганда...

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

1 май куни пойтахтимизда «Фавворалар сайли» ёшлар оммавий-маданий тадбирлари ўтказилди.



Рустам Назарматов олган суратлар

ОРЗУЛАР ФАВВОРАСИ

Ушалсин орзуларим,
Борми бирон чораси.
Мунаввар туйғуларим —
Орзулар фаввораси.

Севар ёрим қуёшдир,
Мен унинг сайёраси.
Кўзимдан чиққан ёшдир —
Орзулар фаввораси.

Парилар сурнай чалар,
Янграйди ноғораси.
Рақсга тушар, тўлғанар
Орзулар фаввораси.

Сув ёқасинда қолди
Юрагимнинг пораси.
Ақлу ҳушимни олди
Орзулар фаввораси.

Бунда Тошкент «Ушшоғ»и,
Хоразм «Сувора»си.
Ошиқларнинг машшоғи —
Орзулар фаввораси.

Рустам МУСУРМОН

Gazeta va gazetxon

КИНОМИЗГА ЖИДДИЙ МАВЗУЛАР КЕРАК

«Turkiston» газетасининг ўтган сонини ўқиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ёшлар ва кино» мавзuida республика форуми ўтказилаётгани ҳақида хабар топдим. Очиги, юртимизда суратга олинаётган ҳамда ўзбек томошабинларига намойиш этилаётган замонавий кинофильм ва сериаллар хусусида кўп мулоҳаза қиламан. Айрим фикрларим билан бўлишмоқчиман.

Талабалик йилларим. Ётоқхонада корейс сериали «Шерюрак» бошланиши билан юмушларимизни ташлаб, телевизор қаршисида тўпланардик.

Сериалда Корея давлатчилиги тарихи, хусусан, Шарқий Осиё худудида жойлашган Бохай давлатининг пайдо бўлиши драматик воқеалар асосида кўрсатиб берилди.

Тарихчи бўлганим учун қишлоққа борганда корейс тарихий сериалларидан таъсирланган кўплаб ҳамқишлоқларим менга савол назари билан юзланишарди.

— Бизда шундай шахслар бўлмаганми? — дерди кўпчилик.

Албатта бўлган! Юртимиз тарихи не-не қудратли саркардаю оқил арбобларни кўрмаган

дейсиз. Бу ҳақда кўплаб китобларда ёзилган ҳам. Лекин уларни фильм, сериал шаклида кўрсатиб бериш бугунги кунда бениҳоя катта самара берган бўлур эди.

Маълумотларга қараганда, айна кунда шуҳрат қозongan сериалларнинг аксарияти тарихий-фантастик талкинга эга.

Сийқаси чиққан маиший мавзулардаги телесериаллардан зериккан ўзбек томошабини юртимиз тарихига оид профессионал даражада ишланган фильмлар ва сериалларни кўриш, ажодларимиз қандай яшганлиги, ҳаёти ва буюк ишлари ҳақида билишга ҳақли. Каттаю кичик, ёш ва қари — барчанинг қалбини бирдек забт эта оладиган Ватанимиз тарихининг шонли даврларини акс эттирувчи миллий сериалларни

яратиш вақти аллақачон етди.

Ўзбек боласининг кўчада ёғоч «қилич» кўтариб «Жумонгман», дея югуриб юришини кўп учратамиз. Бундай ҳолат киноижодкорларимиз учун бир сабоқ бўлиши керак эмасми?

Бизнинг ота-бобола-римиз ҳам буюк давлатларга асос солганларини ва бу давлатлар Когирё, Пече ва Силла каби салтанатлардан кучли бўлганини ҳозирги ёшлар онгига сингдириш айна муддао. Зеро, юртимиз болалари Темурали Шарқда тенгсиз қиличбоз бўлгани, сингилларимиз эса Бибиҳоним қандай адолатли ва оқила аёл бўлганини билиб, уларга тақлид қилсин. Яқинда бир актёр кинода Тумарис образини яратишини орзу қилишини айтди. Назаримда, тарихий фильмларда суратга тушишни барча актёрларимиз ўзларига шараф, деб билсалар керак.

Элбек ИБОДИНОВ,
Фаргона вилояти

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув 2014 йилнинг 8 май куни «Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши раиси **Шерзод Раҳимов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+9 9871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Бу мамлакатнинг ўзига хос жиҳатлари кўп. Масалан, иш кунлари бу ерга мамлакат аҳолиси сонига деярли тенг миқдорда ишчи-хизматчилар келиб-кетилади.

Яна бир маълумот: Европада жойлашган бу диёрни бизнесменлар, айниқса, кўпроқ маъқул кўришади. Айтинг-чи, гап қайси давлат ҳақида бораёпти?

Жавобингизни 2 май соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: **Амир Темурнинг синглиси.** Тўғри жавобни биринчи бўлиб Самарқанд шаҳридан Наврўз Абдусаломов йўллади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Ёмон ниятли киши ўзини яхши кўрсатишга қанча уринмасин, фаросат аҳли уни осонгина таниб олади.

Эзоп

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

Бош муҳаррир ўринбосари:

Шукуров
Меҳриддин Эшқобилович

Таҳрир хайъати:

Баҳодир Ғаниев, Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова
Наргиза
Баҳодирровна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-557.
Адади — 11926

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00
ЎЗА яқуни — 21.20

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5